

Хива туман
(шахар, туман, кишлок)

ХИВА НАЛАЛ МСНҲ

бундан буён матида «Сотувчи»

(юк юкловчи идора, корхона, муассаса, ташкилот номи)

деб аталувчи номидан раҳбари Б.Ражабов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан
(Ф.И.О.)

Ва Хива тумани Ободонлаштириш бошқармаси бундан буён матида «Харидор»
(бюджетдан маблағ олувчи номи)

деб аталувчи номидан раҳбари А.Матмуротов фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан,
(Ф.И.О.)

куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувида) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Махсулот тури	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Линолеум	Метр кв	90	51000	4590000
2					
3					
4					
5					
6					
7					
	Жами:				4590000

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати Тўрт миллион беш юз тўқсон минг сўми ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган махсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи махсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури _____ тўлов топширикномаси, _____
(тўлов талабномаси, тўлов топширикномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган махсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 3 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил 11 октябрдан 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шарномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

7.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки қийматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (бюджетчиларга) кечиктирилган ҳар бир кун учун

мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.3 Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.4 Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунийликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга ҳақли.

7.5 Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

7.6 Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбурийларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбурийларни бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

10. Томонларнинг коррупцияга қарши курашиш

бўйича мажбурийларни

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбурийларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

10.2. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбурийларини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

11. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

11.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан ва Газначилик булинмасидан руйхатдан утказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

11.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

12. Бошқа ҳолатлар

12.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

12.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____ йук _____

12.3. Шартномага илова: _____

13. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

«ИЖРОЧИ»

KHIVA HALAL MCHJ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзили: Хива туман

Тел/факс: _____

х/в 20208000205551362001

Банк номи Халк банк Хива филиали

МФО 00811 СТИР 309739734

ОКОНХ _____

Рахбар Б.Ражабов

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.



«БУЮРТМАЧИ»

Хива туман Ободонлаштириш бош

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Хива туман

Тел/факс _____

х/в 100022860332267065400110001

бюджетдан маблағ олувчи СТИР и 206943881

ОКОНХ _____

Газначилик булинмаси номи: Молня Вазирлиги

Газначилиги

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий Банкнинг Тош. ш. ХККМ

МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР и 201122919

Рахбар А.Матмуротов

(лавозим)

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

VH1132215432

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo'jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: XIVA TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 10.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Xiva tuman
yuridik markazi
yuriskonsulti:



A.N.ABDUSHERIPOV

11.10.2022